

## ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “БОЙЛИК” КОНЦЕПТИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухторова Барно Алишеровна

Фарғона давлат университети

инглиз тили кафедраси ўқитувчиси, докторант

e-mail: [barnomukhtorova@gmail.com](mailto:barnomukhtorova@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “бойлик” концептининг денотатив ва коннотатив маънолари ва уларнинг лексик-семантик хусусиятлари мисоллар афтрофида ёритилган.

**Калит сўзлар:** концепт, лексикографик изоҳ, денотатив маъно, коннотатив маъно, сема.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье на примерах рассматривается денотативное и коннотативное значения концепта «богатство» и их лексико-семантические особенности.

**Ключевые слова:** концепт, лексикографическое объяснение, денотативное значение, коннотативное значение, сема.

### ANNOTATION

This article discusses the denotative and connotative meanings of the concept "wealth" and their lexical and semantic features using examples.

**Key words:** concept, lexicographic explanation, denotative meaning, connotative meaning, seme.

Сўзнинг лексик-семантик хусусиятларини ёритиш учун муайян тилдаги сўзнинг луғавий маъноларини келтириш ҳамда таҳлил қилиш сўз семантикасига қаратилган тадқиқот усули ҳисобланиб, концепт билан боғлиқ тил бирликларининг ҳам ушбу хусусиятларини аниқлаш кабиларини ўз ичига олади.

“Бойлик” концепти кўп сатҳли, кенг қамровли бўлиб, унинг ҳозирги замон ўзбек тили лексикографик изоҳларига тўхталадиган бўлсак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидаги таърифлар келтирилади:

Бойлик. 1. Бой бўлишлик, бой мавқеи; молк-мулкнинг йиғиндиси, мажмуи; мўллик. Ота бойлиги ерга сингар, меҳнат бойлиги-элга. Мақол. Бу йигит

яхшигина давлатманд бўлса ҳам... нима учундур, **бойлиги** билан бўлмай, “Ҳомид хотинбоз” деб шуҳратланган. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Ҳовли саҳнига, айвонларга “сеп” ёйилди. Сепнинг **бойлиги**, тури, ранг-баранглиги ҳаммани ҳангманг этди. Ойбек. Танланган асарлар. *Йирикроқ тошлар ҳукмронлик ва бойлик ифодаси саналган*. С. Кароматов, Олтин кум. **2**. Дунё, давлат, мол-мулк. *Муҳаббат бойликка боқмас*. Мақол. Рўзгор ўлчов билан, **бойлик тежов** билан. Мақол. *Ўнг олти минг қўй, икки ярим минг йилқи ҳазилакам бойлик эмас*. П.Қодиров. Юлдузли тунлар. **Бойлик бор жойда самимийлик ўрнини сохталик эгаллайди**. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **3**. Табиӣ, моддий ресурслар мажмуи. **Ер ости бойликлари. Моддий бойликлар. Табиӣ бойликлар. Қазилма бойлик**. Эндиликда *Ўзбекистон улкан табиӣ бойликлар, кўндан-кўн ноёб саноат маҳсулотлари ватанидир*. “Саодат”. Ўлкамиз **табиӣ бойликларини ўрганиш**.. ишига нуфузли олимларимиз салмоқли улуш қўшмоқдалар. Газетадан. Эндиликда инсониятга зарур **моддий бойликларнинг** учдан икки улуши аёл қўли, аёл ақл-заковати билан яратилади. Газетадан. **4**. Ақлий, руҳий, маънавий фаолият ҳосиласи, мажмуи. **Миллий бойлик. Маданий бойлик. Маънавий бойлик**. Ақлдан ортиқ **бойлик йўқ**. Мақол. *Тарихий ва маданий ёдгорликлар-бизнинг миллий бойлигимиз, чексиз фахримиздир*. Газетадан.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да келтирилган ушбу маъноларнинг биринчиси бош маъно ҳисобланади. Масалан, *бой бўлишлик, бой мавқеи; молк-мулкнинг йиғиндиси, мажмуи; мўллик*.- бу “бойлик” сўзининг бош маъноси ҳисобланса, мисол учун *Ана шундай кенг сарҳадларда маърифат ва соғлиқни сақлаш, илм-фаннинг тараққиётдан ортда қолиши сабабини муллалар, муфти ва амирларнинг кенг маънодаги илм-фандан узоқлиги, мансабу бойликка (бош маъно) ўчлиги, порахўрлиги туфайли деб билган Фитрат...*(А.Фитрат “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асаридан); *дунё, давлат, мол-мулк*- “бойлик” сўзининг иккинчи маъносидир, бунда иккинчи маъно биринчисига нисбатан ҳосила маънодир, масалан, *Бухоро аҳолиси жуда катта давлат ва бойлик (ҳосила маъно) эгаси бўлиши мумкин*.(А.Фитрат “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асаридан); “*табиӣ, моддий ресурслар мажмуи*” “бойлик” сўзининг учинчи маъноси бўлиб, нисбий бош маъно саналади. Мисол учун, *Бухоро давлатининг маданияти, табобати, саноати ва ҳатто ер ости бойликларидан (нисбий бош маъно) халқ манфаати йўлида фойдаланиш, ўлканинг маънавий ва моддий бойликлари (нисбий маъно) ҳақидаги қайгуришлари уни ўқувчи кўз ўнгида юксакликка кўтаради*. (А.Фитрат “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асаридан). Тўртинчи ва бешинчи маънолар эса кўчма маъноларни ифодалайди, “бойлик” сўзининг кўчма маъноси *ақлий, руҳий, маънавий фаолият ҳосиласи, мажмуидир*, мисол учун,

*Халқ ўз тилини энг улкан миллий бойлик (кўчма маъно) сифатида асраши керак.* Газетадан Шундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, “бойлик” сўзи бош, ҳосила маъно, нисбий ҳамда кўчма маъноларга эгадир. Сўзнинг бош маъноси денотатив ва коннотатив семалардан иборат бўлиб, ҳосила маъно денотатив, коннотатив ва умумий (боғловчи) семаларга эга бўлиши билан, кўчма, фигурал маъно эса денотатив, коннотатив ва асословчи семалардан иборат бўлади. Кўчма маъноли лексемалар, одатда, услубий бетараф, фигурал маънолар эса услубий хосланган шаклларда намоён бўлиши кузатилади.

Юқорида келтирилган лексикографик таърифлардан кўриниб турибдики, “бойлик” сўзининг бир-биридан фарқланадиган, лекин қайсидир жиҳатдан умумий маъно атрофида мужассамлашганлигини кўрдик. “Бойлик” сўзининг луғавий маъноларини инглиз тилидаги лексикографик манбаларда келтирилишини ҳам кўриб чиққанимизда қуйидаги таърифларга дуч келдик. **Wealth** *noun.* (money) 1. A large amount of money or valuable possessions that someone has., яъни “бирор кимсанинг катта миқдордаги пулга ҳамда қимматбаҳо мол-мулкка эгаллиги” *Appalling poverty and great wealth coexist in the city.* ( ўзбек тилида: Шаҳарда даҳшатли қашшоқлик ҳамда катта бойлик мавжуд эди. 2. (large amount) a large amount of something good, яъни бирор яхши нарсанинг катта миқдордалиги; *Jim has a wealth of teaching experience.* (ўзбек тилида: Джим ўқитишда бой тажрибага эга. *Russia has a wealth of coal and timber.* ( ўзбек тилида Россияда кўмир ва ёғочга бой) (Cambridge Advanced Learner’s Dictionary & Thesaurus)

Турли тизимли тилларда “wealth” (бойлик) концептининг вербализаторларидан ҳисобланмиш -лексема синоним ҳамда антонимларга эга. Масалан,

**Синонимлар:** abundance -изобилие; избыток; богатство; достаток-бойлик, мўл-кўллик, мўллик, мўлчилик, серобгарчилик, сероблик, тўкин-сочинлик, мол-мулк, дунё, давлат; affluence-достаток, богатство, изобилие-тўкин-сочинлик, мўллик; cash -деньеги, денежная наличность-пул,нақд пул, маблағ; property -имущество, собственность-мулк, мол-мулк; prosperity -благосостояние-фаравонлик; revenue -доход; выручка-даромад; riches -богатство, сокровища-бойлик, мол-мулк; richness- богатство; изобилие -бойлик, мўлчилик; security- благополучие, обеспеченность- фаравонлик, тўкин-сочинликдаги ҳаёт; worth- состояние, доход, богатство- пул, бойлик, мулк; treasure -богатство, деньеги-

бойлик, хазина, пул ; assets-активы; актив; средства; имущество; капитал; фонды; авуары- мулк; belongings- имущество-мулк; bounty -поощрительная премия-неъмат; capital -выгода, преимущество-фойда; in clover- не жизнь, а малина[ масленица]-тўкин-сочинликдаги ҳаёт; commodities-товар, предмет купли, предмет продажи-товарлар; copiousness- плодovitость; изобилие-бойлик; cornucopia -рог изобилия-мўл-кўллик; dough-деньги -пул (норасмий, оғзаки нутқда); estate -имущество- мол, мол-мулк; fortune- богатство- бойлик, давлат, мулк; funds- финансовые средства-маблағлар; goods-имущество- мулк; gold-деньги, сокровища, богатство-бойлик, хазина, олтин, тилла; luxuriance-изобилие, достаток, избыток, богатство- бойлик, тўкин-сочинлик, дабдаба; lucre- выгода-даромад; luxury-богатство, пышность, роскошь- бойлик, дабдаба, тўкин-сочинлик; means материальные ценности, богатства; сокровища-бойлик, хазина; hoard-запас-жамғарма; holdings- вклады, авуары-ҳисса; opulence- изобилие, богатство-мол, тўкин-сочинлик; pelf-деньги, презренный металл; богатство-пул, бойлик; plenitude-обилие, изобилие, богатство- тўла-тўқислик, сероблик, тўкин-сочинлик; plenty-(из)обилие; достаток- серобгарчилик, тўкин-сочинлик; possessions-собственность; имущество- мулк; profusion -изобилие, богатство; избыток- мўлчилик, тўкин-сочинлик, серобгарчилик, бойлик; store-запас- захира; substance- имущество, состояние-мулк.

Бор-буд, буд яъни бисотидаги бор нарса, (бутун) мол-мулк, буд-шуд. *Уйига бирон меҳмон, айниқса азиз меҳмон келса, бор-будига кифояланмай, оёғи куйган товўқдай югуради, ўзида бўлмаса, қўшинисиникига югуради.* С. Нуров, Нарвон.

*Антонимлар:* debt -долг-қарз; need -нужда, бедность, нищета- камбағаллик, муҳтожлик; lack - отсутствие; недостаток-муҳтожлик, етишмовчилик, камчилик; poorness -бедность- камбағаллик, ночорлик, танқислик, камлик, озлик, камчилик, етишмовчилик; poverty- бедность, нищета, нужда, скудость-камбағаллик, қашшоқлик; scarcity -нехватка; дефицит; недостаток-танқислик, камчилик; want - нужда; нищета, бедность-етишмовчилик, қашшоқлик.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, концептнинг лексик-семантик хусусиятларини очиб беришда лексема (сўз)нинг денотатив ҳамда коннотатив маъноларини лексикографик изоҳлар ва уларнинг маъноларидан келиб чиққан ҳолда мисоллар орқали ўрганилиш тавсия этилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ  
ҲАВОЛАЛАРИ РЎЙҲАТИ:**

1. Л.Л. Нелюбин, Толковый переводоведческий словарь, Третье издание, переработанное Москва Издательство «Флинта» Издательство «Наука» 2003, стр. 91
2. Жеребило Татьяна Васильевна, Словарь лингвистических терминов, Издание 5-е, исправленное и дополненное, Назрань Издательство ООО «Пилигрим» 2010, стр.165
3. Аскольдов С.А. Концепт и слово. Статья. Опубликовано в книге: Русская словесность: от теории словесности к структуре текста: Антология / Под общ. ред. В.П. Нерознака. - М.: Academia, 1997. - С. 267-279.
4. Nozima, O. (2022). Teaching English language to uzbek students of mathematics field, pedagogical analyses and considerations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(02), 436-441.
5. З.Ибрагимова, Полисемантик лексемалар, O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 13-son, 20.11.2022
6. Kizi, Z. K. (2022). " IN THE VORTEX OF HARDSHIPS" NOVEL. Gospodarka i Innowacje., 21, 87-89.
7. Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси, «Шарқ юлдузи» журнали 1991 йил, 8-сон
8. Akhunova, N. (2021). Comparative analysis of Indicative, Imperative and Subjunctive Moods in English and Uzbek languages. Журнал иностранных языков и лингвистики, 2(2), 25-30.
9. Mukhtorova, B. (2023). THE LINGUISTIC AND CONCEPTUAL PICTURE OF THE WORLD. Science and innovation, 2(B1), 461-466.
10. qizi Usmonova, U. H., & Mukhtorova, B. (2023). PAREMIOLOGICAL UNITS OF LANGUAGE. GOLDEN BRAIN, 1(1), 241-244.
11. Alisherovna, M. B. (2020). Comparative analysis of the English and Russian proverbs and sayings representating the concept" money". Проблемы современной науки и образования, (4-2 (149)), 43-45.
12. <https://www.thesaurus.com>
13. <https://sentencedict.com>
14. <https://dictionary.cambridge.org>